

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА ГУЛНОРАХОН БАХТИЁРЖОН ҚИЗИ

ГЭНРОКУ ДАВРИ АДАБИЁТИДА АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК
(ИХАРА САЙКАКУ ИЖОДИ)

10.00.05. – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 821.521.
КБК: 83.3 (5)
К - 62

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Қосимова Гулнорахон Бахтиёржон қизи
Гэнроку даври адабиётида анъана ва новаторлик
(Ихара Сайкаку ижоди)..... 3

Қосимова Гулнорахон Бахтиёржон қизи
Традиции и новаторство в литературе эпохи Гэнроку
(Творчество Ихара Сайкаку) 27

Kosimova Gulnorakhon Bakhtiyorjon qizi
Traditions and innovation in literature of Genroku period
(Ihara Saikaku's works)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВА ГУЛНОРАХОН БАХТИЁРЖОН ҚИЗИ

ГЭНРОКУ ДАВРИ АДАБИЁТИДА АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК
(ИХАРА САЙКАКУ ИЖОДИ)

10.00.05. – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil.830 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухтаров Тимур Асқадович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муҳибова Ульфатхон Учқуновна
филология фанлари доктори, профессор

Гафурова Хакима Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____ 2021 йил соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабиёт тараққиёти, бунда анъана ва новаторликнинг мутаносиблиги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Сўз санъати ривожига ҳар қандай янги, улкан ҳодиса ўтмишдаги энг яхши анъаналарнинг ижодий давом эттирилиши маҳсулидир. Шу жиҳатдан, адабиётларнинг ўзаро алоқа ва таъсири, янги шакл, мавзу, ғоя, тип ҳамда бадиий тасвир воситаларининг юзага келиш жараёнларини очиб беришда мазкур масала долзарб аҳамият касб этади.

Дунё адабиётининг ажралмас қисми саналган япон адабиёти ўтмишнинг бадиий тажрибаларини мустаҳкам сақлаб қолган ҳолда ривожланиб келди. Бу адабий ҳодиса ўрта асрлардан янги даврга ўтиш оралиғида мавжуд бўлган адабиёт ва унинг ёрқин намояндалари ижодида яққол кўзга ташланади. Бугунги кунга келиб дунё миқёсида шарқшунос-адабиётшуносларнинг диққат марказидан жой олган кунчиқар мамлакатнинг ўрта аср адабиёти ва унинг кўплаб муаммолари бир қатор илмий ишларнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Гэнроку (1688-1704) даври¹ адабиётининг япон маданияти ривожига аҳамияти, унинг Ихара Сайкаку каби истеъдодли вакиллари адабий меросини анъана ва новаторлик нуқтаи назаридан илмий-назарий тадқиқ этиш мазкур соҳанинг устувор йўналишларидан биридир.

Глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда интеграциялашуви жадал тус олаётган, халқаро муносабатлар кенгайиб бораётган бугунги кунда Япония каби ривожланган давлатлар маданияти, тили ва адабиёти билан яқиндан танишиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўп йиллик стратегик шеригимиз бўлган Япония билан «маданият ва илм-фан соҳаларидаги алоқалар биз учун алоҳида аҳамиятга эга»². Шу муносабат билан, ўзбек шарқшунослигининг долзарб соҳаларидан бири бўлган япон адабиётини ўрганиш халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бу ўз навбатида, республикада олиб борилаётган япон адабиёти билан боғлиқ изланишларнинг давоми сифатидаги мазкур тадқиқотнинг заруриятини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларда илгари сурилган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

¹ Даврнинг номланиши – «Гэнроку» («дастлабки шодлик») император Хигашияма (1675-1710) ҳукмронлик йиллари(1688-1704)га нисбатан берилган ҳукмронлик шиоридир. Японияда Тарихий даврларнинг император ҳукмронлиги шиорлари билан номлаш анъанаси VIII асрдан бошланган бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган.

² Мирзиёев Ш.М. Япониянинг бош вазири Синдзо Абэ жаноби олийларига // «Халқ сўзи» газетаси. 27.01.2017.- №20 (6684).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гэнроку даври адабиёти ва Ихара Сайкаку ижоди XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб кўплаб олимларнинг тадқиқот объектига айланди. Жумладан, ушбу масала япон адабиётшунослигида Р.Цунода, Ф.Мизутани, Т.Такита, Т.Эбара, Х.Нода, К.Касаи, Ш.Ки, Т.Кондо, Ю.Накамура, О.Мацуда, Ц.Сукимото, Ғарб адабиётшунослигида эса К.Флоренс, Р. Сиффер, Д.Кин, Х.Хиббет, К.Кирквуд, Р.Лейн, Ж.Жонсон, Д.Струве каби олимларнинг тадқиқот ишларида ўрганилган³.

Ясутака Тэруоканинг «近世文学評論» («Кинсэй даври япон адабиёти танқиди», 1942), «西鶴：評論と研究» («Сайкаку. Танқидий тадқиқот», 1948) ва «元禄文芸復興» («Гэнроку даврида бадиий адабиётнинг қайта тикланиши», 1966), Кошин Номанинг «西鶴年譜考証» («Сайкаку ҳаёти ва ижодининг аннотацияланган хронологияси», 1952), Эмото Хирошининг «西鶴研究» («Сайкаку ижодининг тадқиқоти», 2000), Ричард Лейннинг «Saikaku: Novelist of the Japanese Renaissance» («Сайкаку япон Уйғониш даври новеллисти», 1958) ва Даниел Струвенинг «Ihara Saikaku: Un romancier japonais du XVII e siècle!» («Ихара Сайкаку: XVII аср япон адиби», 2001) номли илмий асарларида⁴ Сайкаку бадиий асарларининг тавсифи, мавзуи, сюжет ва композицияси билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларининг таҳлили ҳамда уни ўраб турган ижтимоий-маданий

³ 角田柳作「井原西鶴」民友社、1897年。- 108 p.; 水谷不倒「浮世草子西鶴本」水谷文庫、1920年。- 392 p.; 滝田貞治「西鶴の書誌学的研究」白帝社、1965年。- 488 p.; 穎原退蔵「江戸文芸研究」角川書店、1958年。- 585 p.; 野田寿雄「西鶴(古典とその時代〈第8〉)」三一書房、1958年。- 219 p.; 野田寿雄「日本近世小説史〈談義本篇〉」勉誠社、1996年。- 364 p.; 野田寿雄「近世文学選」おうふう、1994年。- 88 p.; 笠井清「西鶴と外国文学」明治書院、1963年。- 167 p.; 重友毅「西鶴の研究」文理書院、1974年。- 468 p.; 重友毅「日本近世文学史」岩波書店、1952年。- 313 p.; 近藤忠義「日本文学原論」河出書房、1955年。- 364 p.; 中村幸彦「近世作家研究」三一書房、1961年。- 365 p.; 中村幸彦「近世小説史の研究」桜楓社出版、1961年。- 368 p.; 中村幸彦・尾崎久弥「近世庶民文学論考」中央公論社、1973年。- 374 p.; 中村幸彦「近世文学—作家と作品」中央公論社、1973年。- 626 p.; 松田修「日本近世文学の成立—異端の系譜(叢書・日本文学史研究)」法政大学出版局、1972年。- 345 p.; 杉本つとむ「井原西鶴と日本語の世界—ことばの浮世絵師」彩流社、2012年。- 481 p. Florens K. Geschichte der Japanischen Literatur. Lpz., 1909. - 642 p.; Sieffert R. La litterature japonaise. P., 1961. - 203 p.; Keene D. World within Walls. Japanese Literature of the Pre-Modern Era 1600 - 1867. N.Y., 1978. - 606 p.; Hibbett H. The Floating World in Japanese Fiction. New York: Oxford University Press, 1959. - 232 p.; Hibbett H. Saikaku and Burlesque Fiction. «Harvard Journal of Asiatic Studies», Vol. 20, No. 1/2 (1957). - P. 53-73.; Hibbett H. Saikaku as a Realist. - «Harvard Journal of Asiatic Studies». Vol. 15, 1952, № 3 - 4. - P. 408-418.; Hibbett H. The Role of the Ukiyo - Zoshi Illustrator. - «Monumenta Nipponica». Vol. 13, No. 1/2, 1957. - P. 67-82.; Kirkwood K.P. Renaissance in Japan. Tokyo, 1970. - 414 p.; Lane R. Saikaku and Boccaccio: The Novella in Japan and Italy. «Monumenta Nipponica», Vol. 15, No. 1/2, 1959. - P. 181-199.; Lane R. Postwar Studies of the Novelist Saikaku. «Harvard Journal of Asiatic Studies», Vol. 18, No. 1/2, 1955. - P. 87-118.; Lane R. Saikaku and the Japanese Novel of Realism. «Japan Quarterly», Vol. 4, No. 2, 1957. - P. 178-188.; J. Jeffrey. Saikaku and the Narrative Turnabout. «The Journal of Japanese Studies», Vol. 27, No. 2, 2001. - P. 323-345.; Struve D. Ihara Saikaku. Un romancier japonais du XVIIe siècle. Presses universitaires de France; 2001. - 274 p.

⁴ 暉峻康隆「近世文学評論」育英書院、1942年。- 292 p.; 暉峻康隆・郡司正勝「元禄文芸復興」至文堂、1966年。- 377 p.; 暉峻康隆「西鶴：評論と研究」中央公論、1942年。- 255 p.; 社野間光辰「西鶴年譜考証」中央公論社、1983年。- 641 p.; 江本裕「西鶴研究(小説篇)」新典社研究叢書、2000年。- 350 p.; Lane R. Saikaku, Novelist of the Japanese Renaissance. Columbia University., 1957. - 398 p.

мухит ва бошқа бир қатор тарихий-адабий тадқиқот учун муҳим масалалар ёритиб берилган.

Сайкаку ижоди ва адиб даврининг маданиятини ўрганишда Н.И.Конрад, Н.Г.Иваненко, Н.А.Сиромятников, Т.И.Редько каби рус филолог-японшуносларининг қўшган ҳиссалари катта аҳамият касб этади⁵. Хусусан, адиб ижоди ва, умуман, Гэнроку даври адабиётининг типологик тавсифи Т.П.Григорьеванинг «Возрождение, остановившееся на полпути (о периоде Гэнроку в Японии)» (1968) номли мақоласида, адиб адабий меросига берилган объектив, аниқ тарихий таҳлилга асосланган баҳо эса Е.М.Пинуснинг «Городская литература в Японии XVII вв. и вопросы развития литературного метода» (1960), «Классическая проза Японии» (1975) каби илмий ишларида⁶ келтирилган.

Жаҳон адабиётшунослигида Гэнроку даври адабиёти ва Ихара Сайкаку ижоди билан боғлиқ қатор тадқиқот ишлари олиб борилганлигига қарамай, ўзбек шарқшунослигида мазкур мавзуга бағишланган тадқиқотлар шу кунгача мавжуд эмас. Чунончи, Гэнроку даври адабиётидаги Ихара Сайкаку ижоди анъана ва новаторлик масаласи нуктаи назаридан махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари адабиёти», «Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ихара Сайкаку ижодининг тадқиқи асосида Гэнроку даври япон адабиётида анъана ва новаторлик масаласини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XVII аср япон ижтимоий-сиёсий, маданий тараққиётидаги янги тамойиллар контекстида Гэнроку даври шаҳар адабиётининг шаклланиш жараёнларини очиб бериш;

Сайкаку ижодига қадар мавжуд бўлган адабиёт намуналарининг бадииятини тадқиқ этиш орқали унинг ўрганилаётган давр адабий жараёнида касб этган аҳамиятини белгилаш;

Гэнроку даври адабиётида анъана ва новаторлик масаласи нуктаи назаридан Ихара Сайкакунинг бадиий ижоди ҳамда унинг тараққиёт босқичларини таҳлил этиш;

адиб ижодида ўтмиш адабий манбаларининг янгича талқин қилиниш усулларини ёритиш;

⁵ Конрад Н.И. Запад и Восток. М., 1972. – 355-356 стр.; Иваненко Н.Г. Ихара Сайкаку и его сборник новелл «Эйтайгура». – Китай. Япония. История и филология. М., 1961. – С.236-245.; Сыромятников Н.А. Роль разговорных элементов в диалогах у Ихара Сайкаку. – Историко – филологические исследования. М., 1967. – С.182-186.; Редько Т.И. Творчество Ихара Сайкаку (к вопросу о новаторстве в японской литературе XVII в.). Наука, М., 1980. – 173 стр.

⁶ Григорьева Т.П. «Возрождение, остановившееся на полпути (о периоде Гэнроку в Японии)» // Проблемы периодизации истории литератур народов Востоке – М.: Наука, 1968. – С. 180-190.; Пинус Е.М. Городская литература Японии XVII в. и вопросы развития литературного метода // Вестник Ленинградского ун-та. № 14, 1960. – С. 51-60.

Ихара Сайкаку асарлари бадиий тили ва услубига хос новаторона жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини ўрта аср япон адабиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Гэнроку даври адабиёти ва Ихара Сайкаку ижодини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва лингвопоэтик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Гэнроку даври «шаҳар адабиёти» таълим ва саводхонликнинг барча қатламлар орасида кенг ёйилиши, тижорат босмаҳонларининг юзага келиши ва адабиётнинг элитарлик хусусиятини йўқотиши, бадиий санъат турларининг оммалашуви каби XVII аср япон ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётида кузатилган янгиланиш тамойиллари билан боғлиқ равишда ривожланганлиги асосланган;

XVII асрнинг насрий адабиёти – «каназоши»нинг ўтмиш адабий анъаналари қолипидаги ҳамда янги намуналарининг ички мазмуни, тузилиши, баён усули, бадиий тафаккур тарзи каби жанр хусусиятларини аниқлаш орқали, унинг ўрта аср япон адабиёти ва Сайкаку ижоди оралиғида боғловчи бўғин сифатида мавжуд бўлганлиги далилланган;

Гэнроку даври адабиётида анъана ва янгиланиш тамойилларининг барқарорликка эришиши, япон реалистик адабиётининг юзага келиш жараёни Ихара Сайкакунинг «укиёзоши» йўналишидаги ижоди билан бошланганлиги исботланган;

Ихара Сайкаку ижодида япон халқ оғзаки ижоди, Но ёки жёрури театрининг пьесалари, хитойча мумтоз асарларнинг сюжет қолипи, сюжет қурилишидан жой олган мотив, образлар прототипи кўринишида истифода этилганлиги, эпик қаҳрамонлар тўғрисидаги япон ва дидактик руҳдаги хитой ўтмиш манбаларини янгича талқин этишда қулги остига олиш усулига таянилганлиги аниқланган;

Сайкаку асарларининг тили мумтоз адабий ва жонли халқ тилларининг ўзаро уйғунлигидан юзага келганлиги, адибнинг бадиий услуби реалистик методи асосида ҳамда япон мумтоз шеърининг энго, какэкотаба, киго каби ассоциацияга асосланувчи риторика услуларига таянган хайкай шеърлари таъсирида шаклланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XVII аср Японияда адабий жараёнлар типологик жиҳатдан Уйғониш даврига хос тамойиллар кузатилган бошқа мамлакатлар адабиётидаги жараёнларга муфовик равишда кечганлиги асосланган;

Ихара Сайкаку ижодининг япон реалистик адабиёти шаклланишида муҳим аҳамият касб этганлиги илмий далилланган;

Ихара Сайкаку ижодида Ўйғониш даври адабиётига хос инсонпарварлик тамойилларининг устунлик қилиши аниқланган;

Сайкаку бадиий асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларини (мавзу, ғоя, образлар тизими, услуб ва тил масалалари) аниқлаш орқали XVII аср япон адабиётида кўп асрлик бадиий аналарнинг новаторона янгиланиш тамойиллари билан уйғинлашув жараёни очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, лингвопоэтик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалар ва назарий умумлашмалар адабиёт йўналишида тадқиқот ишларини олиб боришда, ўрта аср япон адабиётини ўрганишда, япон адиблари ижодини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта аср япон адабиёти бўйича илмий тадқиқотлар яратиш, олий ўқув юрти талабалари учун дарслик, ўқув қўлланмалар ёзишда, «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти», «Шарқ халқлари адабиёти поэтикаси» дарсларида кенг фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Япон ўрта аср адабиёти, хусусан, Гэнроку даври адабиётида анъана ва новаторлик, Ихара Сайкаку ижоди тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Ихара Сайкаку Гэнроку даврининг насрнависи, «укиёзоши» насри, унинг ижодида анъана ва новаторлик масалаларига оид илмий натижаларидан ОТ-Ф1-67 рақамли «Буюк ипак йўли минтақаси халқлари фольклорининг типологияси, миллий ўзига хослиги ва ёзма адабиёт ривожиди тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат шарқшунослик университетининг 2021 йил 24 августдаги 01-04-01/171-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши япон фольклорида сэцува жанрига оид масалаларни ёритишга ёрдам берган;

диссертациянинг таҳлилий фикрлари ва илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон-Япония аҳоли ресурслари тараққиёти марказида ўтказилган «XVII аср – Гэнроку даврида адабий жараёнлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари» номли илмий семинарда фойдаланилди (Ўзбекистон-Япония Марказининг 2021 йил 4 майдаги, 46-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва тингловчиларда XVII аср – Гэнроку даври адабиёти, насрий ва назмий жанрларининг бадиияти ҳамда Ихара Сайкаку мероси билан боғлиқ билимларга эга бўлиш имкониятини яратган;

XVII аср, хусусан, Гэнроку даври япон шаҳар адабиётининг шаклланиш жараёнлари, ушбу даврнинг новатор адиби Ихара Сайкакунинг ижоди, анъана ва новаторлик масаласи нуқтаи назаридан унинг бадиий маҳорати, бадиий тили ҳамда услубини тадқиқ қилишга бағишланган таҳлилий фикрлари ва назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» радиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Адабий жараён», «Жаҳон адабиёти» номли радио эшиттиришларда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2021 йил 20 апрелдаги 04-25-602-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши адабиёт ихлосмандлари, ўзбек китобхонлари учун маълумот беришда, радио

тингловчиларнинг чет эл адабиёти намуналаридан бахраманд бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 4 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 168 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган. Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XVII аср япон ижтимоий-маданий ҳаётида янги тамойиллар**» деб номланган. Бобнинг «*XVII аср Японияда ижтимоий-сиёсий жараёнлар*» номли дастлабки фаслида XVII аср япон шаҳар маданияти ва адабиётининг шаклланиши, унинг омиллари мамлакатнинг ижтимоий ҳамда маданий ҳаётида кечган жараёнлар контекстида ёритилган.

Саркарда Токугава Иэясу (1543-1616) 1600 йилда майда мустақил ҳокимиятларга бўлиниб кетган Японияни ўз қўл остида бирлаштирди. Ички урушлардан кейин мамлакатда ўрнатилган тинчлик, ҳукумат томонидан иқтисодни ривожлантириш йўлида эркин савдони қўллаб-қувватланиши ички бозорни шаклланишига замин яратди. Иқтисодий ривожланиш натижасида ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг жадал ўсиб бориши билан ижтимоий ҳаёт сахналарига шаҳарликлар – хунарманд, савдогар ва бошқалар чиқа бошлади.

Мамлакатдаги осойишталик маданий тараққиёт учун ҳам қулай шароит яратди. Япония тарихида илк бора шаҳарнинг кенг қатламлари учун таълимга йўл очилди. Оммани маърифатга йўналтириш мақсадида ташкил этилган ҳам давлат, ҳам хусусий мактаблар бутун мамлакат бўйлаб саводхонликнинг тарқалиши ва маърифатнинг ўчоғларига айланди. Оддий халқни маърифатли қилишда «тэракоя» – ибодатхоналар қошидаги мактаблар муҳим аҳамият касб этди.

Саводнинг ўсиб бориши билан китобларга бўлган талаб кучайди. XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида ҳокимият ўз эътиборини китоб босиб чиқаришга қаратди. XVII асрнинг 20-йилларида тижорат босмахона-

ларининг юзага келиши билан ксилография (ёғочга ўйилган нақш ва ундан босилган сурат) усули ёрдамида китоб нашр қилиш мамлакат бўйлаб кенг тарқалди⁷. Ёғоч тахта орқали босиб чиқарилган китоблар кўп ададда нашр этирилиб, шаҳар ўрта қатлам аҳолиси учун ҳамёнбоп нархларда сотилиши йўлга қўйилди.

Шаҳар жамияти заминида янги – «учинчи қатлам», яъни шаҳарликлар маданияти шаклланди. Мазкур даврдан бошлаб адабиёт ўзининг элитарлик хусусиятини йўқотди⁸. Токугава даврида яратилган ҳар қандай янгилик ана шу учинчи қатламдан юзага келди. Улар асос солган адабиёт «чөнин бунгаку», яъни «шаҳарликлар адабиёти» номи билан юритилади⁹. XVII асрнинг иккинчи ярмида, ёзувчи Сайкаку, шоир Башё, драматург Чикамацу каби етук ижодкорлар фаолияти билан япон маданияти тарихида Гэнроку (1688-1704)¹⁰ номи остида машхур бўлган даврда ўзининг юқори чўққисига етди.

Гэнроку даврининг шеърияти ўзида сатира ва пародияни мужассамлаштирган «хайкай»– «ҳажвий шеърлар»ининг юзага келиши ҳамда ривожини билан характерланади. Мумтоз рэнга¹¹ дан ажралиб чиққан мустақил учлик – хайкай шеърлари¹² ўзида япон шаҳарликларининг эстетик диди ва кайфиятини яққол акс эттирган кўзгуга айланди¹³. «Тэймон», «Данрин», «Шёфу» шеърият мактаблари хайкайнинг табақачилик ва элитарлик доираларини ошиб ўта олишида асосий роль ўйнади. «Тэймон» мактаби хайкайни мумтоз шеърият анъаналари ўзанига йўналтирган ҳолда консерватив қарашларни илгари сурди. Шеъриятни янада янгилаш йўлидан борган «Данрин» мактаби хайкай шеърлари учун материални оддий шаҳарликлар ҳаётидан топди ва кундалик турмуш манзараларини акс эттирди. Ижодни кишанлаб қўядиган қонун-қоидалардан воз кечишга чақирди. Хайкай шеъриятида туб ислохотларни «Шёфу» мактаби асосчиси Мацуо Башё (1644-1694) амалга оширди. У новаторликни анъаналарга ижодий ёндашув билан уйғунлаштириб, хайкайни сўз ўйинидан шоирнинг нозик ҳис-туйғу, ўй-хаёлларини ифодаловчи воситага, моҳиятан ўз даврининг етакчи шеърий жанрига айлантди.

XVII аср шаҳар театр маданиятининг ривожланишида фарс миниатюралари – «көгэн»¹⁴ алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур даврга келиб Японияда қадимги шаҳар маданиятининг ютуқларидан бири «нингё жёрури»– кўғирчоқ театри ва «кабуки»¹⁵ юзага келди¹⁶. Халқ кўшиқ ва ўйинларини ўзида мужассамлаштирган

⁷ Lane R. The Beginning of the Modern Japanese Novel: Kana-Zoshi (1600-1682). – «Harvard Journal of Asiatic Studies». Vol. 20, 1957, № 3-4. – P. 645-646.

⁸ Горегляд В.Н. Страна за захлопнутой дверью. – В кн.: Кирквуд К. П. Ренессанс в Японии. – М., 1988. – С. 13.

⁹ 秋山虔・三好行雄「日本文学史」文英堂、1983年。– P. 102.

¹⁰ 1688-1704 ёки кенгрок қилиб айтганда, XVII асрнинг охири чораги-XVIII асрнинг биринчи чораги.

¹¹ Рэнга – танка (5-7-5-7-7 кетма-кетлигида 31 бўғиндан иборат бешлик бўлиб, япон миллий шеъриятининг асосий жанри) шеърларнинг ўзаро боғланишидан юзага келган, 31 бўғиндан иборат занжир шеърдир.

¹² Хайкай шеърлари 5-7-5 кетма-кетлигида, 17 бўғиндан иборат қофиясиз ва ҳажвий учликлар саналади.

¹³ Конрад Н.И. Японская литература. М., 1974. – С. 54.

¹⁴ XIV асрда кулги ва ҳазил-мутойиба билан тўлдирилаган кичик ҳажвий пьеса – «көгэн» юзага келди ва тез ривожланиб борди. Ушбу пьесалар кескин сатирага йўналтирилган бўлиб, мағрур, аммо аслида кўрок самурайлар, очкўз ва ҳасис руҳонийлар шаҳар драматургиясидаги ушбу илк тажрибаларнинг доимий тасвир объекти ҳисобланган (Батафсил: Bowers F. Japanese Theatre. Literary Licensing, LLC, 2013. P. 62-64).

¹⁵ «Кабуки» сўзи, «ка» – кўшиқ, «бу» – япон миллий рақси, «ки» – маҳорат деган маънони англатади.

¹⁶ Гундзи М. Японский театр кабуки. М.: Прогресс, 1969. – С.42-43.

кабуки халқ кайфиятини акс эттирувчи санъат турига айланди¹⁷. Жёрури билан бўлса, илк маротаба театрға сахна пардалари олиб кирилди, декорация, тўлақонли театр реквизитлари юзага келди.

Гэнроку даврида актёр-драматург анъанасидан чекиниш, театр ва драматург ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйилиши ушбу театрларнинг юксак санъат турига айланишида муҳим аҳамият касб этди. Ўткир сюжетли драматик асарлар, таъсирчан сахналар, мураккаб ва жумбокли тўқнашувларни хуш кўрувчи ушбу давр томошабинларининг талабига биноан, «жидаймоно» – «тарихий драмалар» юзага келди¹⁸. Қонли қасос, шафқатсиз ички урушлар, зиддиятли тўқнашув кабиларнинг барчаси «аслида оддий одамнинг кундалик ҳаётида учрамайдиган ҳодисалар» бўлганлиги боис, тарихий драмалар шаҳарликлар диққатини узоқ ушлаб тура олмади. Шунда, ҳам кабуки, ҳам жёрури учун пьесалар яратган, новатор драматург – Чикамацу Монзаэмон (1653-1724) япон театр санъатига биринчи бўлиб «сэвамоно» – «ҳақиқий ҳаёт тўғрисидаги драмалар» номли маиший драмаларни олиб кирди¹⁹.

Гэнроку даврининг янги ёзувчилар авлоди шаҳарликларнинг қизиқиш, ташвишлари билан боғлиқ муаммоларга мурожаат этиб, ўз эътиборини ушбу қатлам вакилларининг эстетик диди ва талабларига жавоб бера оладиган асарларни яратишга қаратдилар. Санъатнинг деярли барча турида шаҳар ва унда яшовчи жамият ҳаёти тасвир объектига айланди.

Бобнинг «*Япон шаҳар адабиётининг ривожини*» номли иккинчи фаслида Сайкаку бадий янгиликларининг теранлиги ҳамда ўтмиш адабиётига нисбатан ижодининг қанчалик монандлиги бўйича аниқ тасаввурга эга бўлиш учун адибгача мавжуд бўлган, у мутолаа қилган япон адабиёти – «каназоши» («бўғинли алифбо – «кана»да яратилган китоблар») насри ва унинг поэтикаси ўрганилган.

Каназоши 1600-1682-йиллар оралиғида яратилган барча япон насрий асарларининг умумий номланиши ҳисобланади. Каназоши насри отогизоши²⁰ анъаналари заминида юзага келди. Унинг илк намуналари орасида япон мумтоз адабиётининг анъанавий жанрлари таъсирида яратилган асарлар кўпчиликни ташкил этади. Саркарда Ода Нобунага қахрамонликларига бағишланган 「信長記」 («Нобунага ҳақида қайдлар», 1611), Токугава Иэясу ва XVI-XVII асрларнинг бошқа машҳур тарихий давлат арбоблари ҳамда самурайлар ҳақидаги 「武者物語」 («Жангчилар ҳақида қисса», 1654) каби жангнома типидagi эпик асарлар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси япон ўрта аср қахрамонлик дostonларининг анъаналари қолипида, реал воқеаларнинг афсоналар билан, тарихий ҳақиқатнинг эса бадий тўқима билан бирлаштириб юборилишидан юзага келган. Бироқ қадимги жангномалардан фарқли равишда, мазкур даврнинг асарларида урғу қахрамонни эпиклаштиришга, унинг жанг майдонидаги

¹⁷ Гришелева Л.Д. Театр современной Японии. М., 1977. – С. 48-50.

¹⁸ Горегляд В.Н. Предс. Страна за захлопнутой дверью. – Кирквуд К.П. Ренессанс в Японии. М., 1988. – С. 14.

¹⁹ Ўша манба. – Б. 14.

²⁰ «Хикоя қилиш учун яратилган китоблар» деб таржима қилинувчи отогизоши жанр хусусиятидан хикояга тўғри келади. Ҳозирда отогизоши атамаси остида япон адабиётининг «олтин даври» (Хэйан даври, яъни IX-XII асрлар адабиёти) ва Токугава даври шаҳар адабиёти (XVII-XIX асрнинг биринчи ярми) орасида юзага келган ҳамда япон тилида алоҳида мавжуд бўлган (бошидан тўпламларга киритилмаган холда) насрий асарлар тушунилади (Қаранг: Торопыгина М.В. Японский средневековый рассказ (отоги-дзоси). Москва. 2011. – С. 5.).

қахрамонликларига эмас, аксинча уни ўраб турган ҳақиқий маиший ҳаётнинг тасвирлари ва образларнинг ички кечинмаларини ёритишга берилади. Эпик қахрамон сифатидаги тарихий шахсни бу каби янги жабҳалардан ёритишга уриниш мазкур жанрнинг поэтикаси ва ўша даврнинг бадий тафаккурида кузатилган силжишлардан далолат беради.

Ушбу даврда яратилган бошқа ишқий қиссалари каби 「うらみのすけ」 («Ураминосуке», 1612) қиссасида ҳам ўрта аср насрий асарларига хос анъанавий унсурлар яққол кўзга ташланади. Бош қахрамонлар – йигит ва қизнинг буддавийлик ибодатхонасидаги илк учрашуви, ошиқ йигитга тушда маъбудлар томонидан башоратнинг келтирилиши, унинг узоқ тоат-ибодатдан сўнг муваффақиятга эришиши, севишганларнинг бирга ўтказган ягона кечаси, йигитнинг жавобсиз муҳаббатдан вафот этиши, бу фожиага бардош бера олмаган қизнинг ўлими – ушбу тафсилотларнинг барчаси ўтмиш адабиёт, хусусан, ишқий отогизоши қиссаларида учрайди.

Мумтоз асарларга кулгили тақлид ёки уларнинг пародиялари каназоши насрининг ажралмас қисмидир. Пародияга мурожаат адибларга анъанавий бадий услубнинг чегараланиб қолган доираларини ошиб ўтиш имконини берди. Ўтмиш адабиётига ишланган пародия асарларининг муаллифлари танлаб олинган манбанинг нафақат тилига ўзгартиришлар киритди, балки акс эттирилаётган вазиятларни янги даврга монанд ҳолда замонавий контекстга олиб ўтди. Бу эса асарнинг бутун ғоявий-эстетик мазмунининг ўзгаришига, воқеликни бадий акс эттиришнинг янги тамойилларини шаклланишига олиб келди. Япон адабиётида XVII асрнинг охирларида қарор топган бадий материални эркин ва олдиндан бичиб-тўқилмаган ҳаққоний таҳлили айнан мазкур давр ҳажвий адабиётининг таъсири остида бошланган эди²¹.

XVII аср адабиётида бадий унсурлар устунлик қилувчи диний адабиёт намуналари тўғрисида сўз борганда, буддавийлик ғоялари билан суғорилган 「七人比丘尼」 («Етти роҳиба», 1635), 「小倉物語」 («Огура ҳақида қисса», 1661), 「因果物語」 («Карма ҳақида қиссалар», 1661), 「二人比丘尼」 («Икки роҳиба», 1663) каби асарларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Мазкур асарлар дунёвий ҳаётнинг ўткинчилиги, карма қонуни ҳамда буддавийликнинг бошқа ақидаларини ҳалқ орасида кенг ёйишни мақсад қилиб олган. 「三人法師」 («Уч роҳиб», XV) отогизоши ҳикояси каби япон мумтоз асарларнинг давоми бўлган диний руҳдаги барча каназоши намуналари мавзу, ғоя, баён қилиш услуби билан ўтмиш адабиёт анъаналарини ўзида тўлиқ мужассамлаштирган. Бу бевосита, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг муаллиф даврига эмас, анъанавий қолипда бироз узоқроқ ўтмишга тегишли эканлиги, қахрамон кечинмаларининг баёнида ўрта асрга хос дидактик оҳангнинг устунлик қилаётганлиги билан изоҳланади.

Каназоши насри анъанавий услубда яратилган юқоридаги асарлардан ташқари, самурай ва шаҳарликларнинг қизиқишларини акс эттирувчи, уларга амалий билимларни беришни кўзлайдиган янги жанрдаги асарларни ҳам қамраб олади. Ана шундай асарлар сирасига Япониянинг турли ҳудудлари тўғрисидаги

²¹ Америкалик японшунос ва адабиётшунос олим Ховард Хиббетнинг фикрича, «Ғарбдаги каби Японияда ҳам пародия ва бурлеск реализмнинг тараққий топишида муҳим омили бўлиб хизмат қилган» (Hibbett H.S. Saikaku and Burlesque Fiction. Harvard Journal of Asiatic Studies Vol. 20, No. 1/2. 1957. – P. 59.).

маълумотларни мужассамлаштирган «мэйшэки» («диққатга сазовар жойлар ҳақида қайдлар») саёҳатномалари, южэ²² ва театр актёрлари тўғрисидаги «хёбанки» («танқидий қайдлар, миш-мишлар қайдлари») маълумотномалари киради. Ушбу асарлар амалий вазифани бажаришга ҳизмат қилганлиги учун, уларда акс эттирилаётган воқелик ёки гавдалантирилаётган қаҳрамонлар ўта аниқлик билан тасвирланиши талаб этилган. Мэйшэки ва хёбанки намуналарининг тасвирий матнида ҳаётий яқинликка интилиш XVII аср япон насрида бадиий ҳис этишнинг янги қонуниятларини шаклланишида, янги тасвирий ва баён қилиш воситаларининг юзага келишида катта аҳамият касб этди. Мазкур масалада гап борганда, южэ хёбанки муаллифларининг аёл образини тасвирлашда ўтмишнинг машҳур соҳибжамолларига қиёслаб, унинг ўта мавҳумлаштирилган портретни яратиш анъанасидан четга чиққанлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу асарларда зодагон аёллар эмас, ўрта қатламга тегишли южёларнинг бош қаҳрамон сифатида гавдаланиши ижодкордан анъанавий шаклдаги шоирона портрет тасвирига мурожаат қилиш мажбуриятини олиб ташлаганди. Бу бевосита, ушбу персонажларнинг ташқи қиёфаси, табиатидаги ҳар қандай устун жиҳатлари ёки нуқсонларини батафсил акс эттириб, уларнинг реалистик портретини чизиш имкониятини таъминлаб берди.

Диссертациянинг «Гэнроку даври адаби Иҳара Сайкаку ижодида янги адабий изланишлар» деб номланган иккинчи бобининг биринчи фаслида «Иҳара Сайкаку шеъриятида хайкай жанрининг трансформацияси» ҳақида сўз боради.

Сайкаку (1642-1693) ҳаёт йўли билан боғлиқ маълумотлар унинг бизгача тўлиқ етиб келган асарлари, замондошларининг у ҳақида ёзиб қолдирган фикр-мулоҳазалари, япон олимларининг илмий тадқиқот ишларида учрайди. Сайкаку биографиясини тиклаш масаласидаги бирламчи манба – Ито Байу²³нинг 「見聞談叢」 («Кўрган ва эшитганларимиз тўғрисида қиссалар», 1738) асарида ижодкорнинг шаҳарлик, бадавлат тадбиркор инсон бўлганлиги, рафиқаси ҳамда фарзандининг вафотидан сўнг, ишларини ишбошчисига ташлаб мамлакат бўйлаб кўп саёҳат қилганлиги, шеъриятда ва насрда ижод қилиб, ўзидан бир қатор насрий асарлар қолдирганлиги тилга олинади.

Адабиёт тарихида Сайкаку ўз даврининг шаҳар ҳаёти мавзусига бағишланган новеллаларнинг муаллифи, насрнавис сифатида ном қолдирган бўлса-да, ижод йўлини «хайкай но рэнга»²⁴ – «занжир тизилган хайкайлар» жанридаги шеърларни яратишдан бошлади. Шоир Сайкакунинг ижоди «Данрин» мактаби билан боғлаган бўлиб, у янги мавзу ва образларни олиб кириш орқали назмни янгилашга интилган ушбу оқимнинг етук вакили эди.

「生玉万句」 («Икутамада битилган ўн минг шеър») тўпламнинг муқаддимасида Сайкаку илк бора ўз даври назмий адабиётининг эски қолиплар доирасида қотиб қолганига урғу бериб, янги услубдаги шеърларни яратишга

²² Южэ – япон тарихида мавжуд бўлган қувноқ кўчаларда истиқомат қилувчи барча енгилтак аёллар, куртизанкаларнинг умумийлаштирувчи номи.

²³ Ито Байу (1684-1745) – япон тарихи, маданияти, урф-одатларини чуқур ўрганган конфуцийшунос олим.

²⁴ Хайкай шеърларининг ўрта аср рэнгалари каби ўзаро боғланишидан юзага келган жанр. «Хайкай но рэнга» жанри рэнганинг шеърларни кетма-кет турли хил шоирлар томонидан навбат билан битилиши, ҳар бир мисранинг ассоциатив маъно ёрдамида бириктирилиши каби қонун-қоидаларини ўзлаштирган эди (Батафсил: Н.И. Конрад «Японская литература. От «Кодзики» до Токутоми» М., 1974. – С. 47-51.).

чақиради. Шу боис консерватив шоирлар ўтмиш анъаналаридан узоқлашган, янги мавзулар билан хайкайни янгилашга уринган Сайкакуни санъат доирасидан чиқариб юбориш ниятида унинг услубини «оранда», яъни «голландча» услуб деган ном билан атадилар. Уларнинг наздида, Сайкакунинг ижоди «голландча» атамаси орқали ифоланаётган маъно, яъни Гэнроку даврида японларга нотаниш, умумқабул қилинган меъёрларга тўғри келмайдиган адабий ҳодисадан бошқа нарса эмасди²⁵.

Сайкаку ижодининг Данрин мактаби ўзанида кечганлиги унинг новатор шоир сифатида қарор топиш жараёнини тезлаштирди. Бунда мактабнинг хайкай шеъриятини янги йўсинда ривожлантиришга қаратилган тажрибалари, хусусан, жамоавий шеър битиш анъанасига зид равишда юзага келган – «докугин хайкай» («яккахон тартибда битилган хайкай») ижод тури муҳим омил сифатида хизмат қилди. «Докугин хайкай» ўрта асрлардан фарқли равишда, шоирга ўзининг шахсий услубидаги шеърларини мактабнинг тўпламларида эмас, балки якка муаллифликда нашр эттиришга, мустақил ижодкор сифатида қарор топишга имкон яратди.

「俳諧独吟一日千句」 («Бир кун ичида яккахон битилган минг хайкай», 1675) якка тартибдаги ижодга киришган шоирнинг илк йирик тўпламидир. Унинг асосини анъанавий рэнгалар каби инсоннинг нозик ҳис-туйғуларига табиат образлари орқали ишора қилишга эмас, балки Данрин мактабига хос мавзу, ғоя ва образларнинг эркин ассоциацияси орқали оддий халқ кундалик ҳаётининг ранг-баранг манзараларини ёритишга қаратилган хайкайлар ташкил этади.

Калейдоскоп каби бирин-кетин китобхонга ўша давр кундалик ҳаётининг саҳифаларини ёритиб бераётган тўпламнинг хайкайлари насрий асарнинг муайян ўринларидан ажратиб олинган кичик парчаларини ёдга солади. Сайкаку бўлса, ўзининг ушбу «занжир шеърлари»да лирик шоир эмас, балки ҳикоянавис сифатида гавдаланади.

Тезлик тамойилига риоя қилиш Сайкаку ижодида хайкай битиш санъатининг янги кўриниши – «яказу хайкай» («найза отиш хайкайи») ²⁶ услубини юзага келишига сабаб бўлди. Сайкаку самурайларнинг камондан ўқ отиш мусобақаси шартларини илк бора хайкай битиш жараёнига қўллаб, шеърят беллашувларида дастлаб 1600 та, сўнг 4000 та хайкайни яратади.

«Яказу хайкай» миқдор беллашуви бўлганлиги сабаб унда асосий урғу шеърларнинг сифатига эмас, уларнинг белгиланган вақтда битилган ҳажмига берилган. Шоир 「西鶴大矢数」 («Сайкакунинг кўп сонли найзалари») тўпламининг хотимасида шеърларни сайқаллаш учун узоқ ой, йилларни сарфлаш бефойда эканлигини уқтиради. Унингча, ижодкорнинг истеъдоди шиддатли бадихада намоён бўлади. Бадиха ва тезликка интилиш Сайкакуга нозик сўз ўйинидан кўра, барчага тушунарли сўзлашув тилидан, ўткир иборалардан кенг

²⁵ Мантнинг контекстидан келиб чиққан ҳолда «ажнабий», «овропача» маъноларидан ташқари, «оранда» атамаси «ғайриоддий», «янги», «замонавий» ва «илғор» деган маъноларни ҳам англатиши мумкин. У баъзида ижобий маънода, асосан, энг охириги урфдаги нарсаларга нисбатан қўлланилган бўлса-да, кўп ҳолларда тушуниб бўлмайдиган, чигал ва ақлга тўғри келмайдиган, маъносиз нарсалар ҳам ушбу сўз билан ифодаланган (Батафсил: Кин Д. Японцы открывают Европу. 1780-1830. М., 1972. – Р. 21-22).

²⁶ Сайкаку «яказу хайкай» усулини 1606 йилдан бошланган «тошия» номли камондан ўқ отиш мусобақасидан ўзлаштирган бўлиб, ушбу мусобақада иштирокчи белгиланган масофа ва вақтда камондан иложи борича кўпроқ ўқ узиши керак бўлган (Батафсил қаранг: 野間光辰 「西鶴年譜考証」 中央公論社、1983年。 – Р. 49.).

фойдаланишга имкон берди. Ўзини ўраб турган атроф-муҳит ва ундаги одамларни, кўз ўнгида намоён бўлаётган бутун воқеликни қандай бўлса, шундайлигича етказиб беришга интилан Сайкаку ҳақиқатга яқин ва таъсирчан хайкайларни қолдиришга алоҳида эътибор қаратди. Шоир ижодига хос ушбу жиҳат 「俳諧大句数」 («Хайкайнинг кўпдан-кўп мисралари», 1677) тўпламидаги шеърларида яққол намоён бўлади:

身にしめる // 老いの慰み // 碁双六

*Танани эгаллаётган // кексаликнинг
эрмагидир // го²⁷ ила сугороку²⁸*

Учликда гап қариб қолган бўлса-да, кексалик даврини го ва сугороку ўйнаб осойишта ўтказаетган қария тўғрисида бормоқда.

今のやうすは // しらぬ島原

*Ҳозирги ҳолатин билмасман //
Шимабаранинг мен*

Қисқа монолог шаклида келтирилган иккиликда эса ёшлик чоғларини Шимабара қувноқ кўчаларида ўтказган қария, энди у ерларнинг қандай эканлигини унутиб юборганини таъкидлайди.

恋草に // 又あま草や // ましぬらん²⁹

*Ишқ ўти // қизилмиядан-да // экан
ортиқроқ*

Севги-муҳаббат мавзусига бағишланган учликда кучайиб бораётган ишқ ҳисси ўт-ўланнинг гуркираб ўсишига қиёсланиб, унинг қизилмиядан ширинроқ эканлигига ишора қилинади. Учликни қария тўғрисидаги «қисса»нинг давоми деб айтиш мумкин. Шоир бу билан эркак (қария) ҳақиқий муҳаббатини топганлиги туфайли қувноқ кўчаларни йўқламай қўйган демоқчи.

Шоир Сайкакунинг мавзулари ундан олдинги мумтоз шеърлар ва рэнгалардаги мавзулардан йироқ бўлиб, уларнинг барчаси йирик шаҳарлардаги кундалик ҳаётдан юзага келган. Қушлар, гуллар ва кузги ой илгаригидай кўп учрайдиган мавзулар бўлса-да, шоир асарлари кўпроқ қувноқ кўчалардаги ҳаёт, даймёларнинг маъшуқалари, кабуки актёрлари, гуруч нархи, суд ишлари, гаровхоналар, савдогарларнинг касодга учраши ва шу каби янги шоирлар яшаб турган шаҳар жамиятидаги кундалик мавзуларга бағишланади.

Бобнинг «*Ихара Сайкаку ва «укиёзоши» янги йўналиши*» номли иккинчи фаслида Сайкакунинг насрий ижоди даврларга бўлиб тадқиқ этилган.

Сайкаку 1682 йилда ўз эътиборини насрдаги ижодга қаратди ва жанр жиҳатидан ўзаро фарқланувчи 20 га яқин новелла тўпламларини яратиб, япон адабиётида «укиёзоши» («беқарор дунё тўғрисидаги китоблар», «замонавий ҳаёт тўғрисидаги китоблар») реалистик йўналишини бошлаб берган адиб сифатида ном қолдирди. Адиб ижодидаги янгиликларнинг моҳиятини «укиё» сўзи ташиётган маъно орқали англаш мумкин. X асрдан қўлланила бошлаб,³⁰ қийинчиликларнинг «фоний», «ҳасратли», «беҳаловат» дунёсини англаган 憂世 «укиё» буддавийлик тушунчаси³¹ XVII асрнинг бошида таркибидаги биринчи

²⁷ Го («қуршаб олувчи тошлар») – қадимги Хитойда юзага келган, шахмат каби чуқур стратегик мазмунга эга интеллектуал ўйинлардан бири.

²⁸ Сугороку («икки мартга олти») – VII асрда хитойдан кириб келган, нарда ўйинини ёдга солувчи япон ўйини.

²⁹ 金子金治郎・雲英末雄・暉峻康隆・加藤定彦「日本古典文学全集 61・連歌集俳諧集」小学館、2001年。– P. 415.

³⁰ 橋本峰雄「『うき世』の思想—日本人の人生観」講談社、1979年。– P. 43.

³¹ Горегляд В.Н. Дневники и эссе в японской литературе X–XIII в. М., 1975. – С. 161.

иероглифнинг «сузиб юрувчи», «ўзгарувчан», «беқарор» – 淨 (уки) иероглифига алмаштирилиши натижасида янги маънога эга бўлди. Ҳасрат, ғам-алам дунёси бўлган укиё кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган ва ҳаёт хурсандчиликларининг ёқимли дунёсига айланди. Дунё лаззатлари ва кенгроқ маънода замонавий ҳаёт, авваламбор, шаҳар ва шаҳар ҳаётини англатувчи янги мазмундаги укиё ўзининг чуқур ҳамда якунланган талқинини айнан адиб Сайкаку ижодида топди.

Фаолиятининг илк паллаларида (1682-1686) адиб севги-муҳаббат, ишқий саргузаштлар, ҳирсий эҳтирослар, «қувноқ кўчалар»даги ҳаёт каби ўша давр китобхонларининг севимли мавзуларига бағишланган ишқий роман ва новеллаларини яратишдан бошлади. Япон адабиётида *кошёкумоно* («севги-муҳаббат тўғрисидаги китоблар») номи остида сақланиб қолган Сайкакунинг 「好色一代男」 («Муҳаббатга мубтало эркак», 1682), 「好色五人女」 («Муҳаббатга мубтало беш аёл», 1686), 「好色一代女」 («Муҳаббатга мубтало аёл», 1686) каби асарлари айнан шу даврда юзага келган.

«Муҳаббатга мубтало эркак» Гэнроку даври шаҳарликлар катлаמידан бўлган Ёносукэ исмли бир енгилтак одамнинг ишқий ҳаёти ҳақидаги қиссага бағишланади. Ёносукэ образининг турмуш тарзи орқали асар ғояси – беқарор дунё ва унинг лаззатларидан баҳраманд бўлиб яшайдиган инсон кадр-қимматини мадҳ этиш ғояси тўлақонли акс эттирилган. Тафаккури буддавийлик таъсирида шаклланган ўтмиш одамидан фарқланувчи, янги ҳаётий қадриятлар эгаси бўлган мазкур қаҳрамонни ўз имкониятларидан фойдалана оладиган, қалби ва ҳис-туйғуларига қулоқ солган ҳолда яшаётган эркин шахс деб айтиш мумкин. Муҳаббат лаззатларига интилган, хирсий инстинктларга берилган ва муболағали бўрттирма қаҳрамон – Ёносукэ орқали адиб унга қадар адабиётда тилга олишга муносиб деб топилмаган инсон табиатидаги ана шундай ўзига хос жиҳатларни тортинмай акс эттирди ва ушбу янгилиги билан инсонни таҳлил қилиш, умуман, бадиий англашнинг чегараларини кенгайтди.

Муҳаббатига етиш учун жамиятдаги мавқеини белгилаб берган одоб-ахлоқ қоидалари доирасидаги мажбуриятларини инкор этиб, халқ олдидаги ҳурмат-эътиборини қурбон қилган аёлларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи «Муҳаббатга мубтало беш аёл» тўпламида Сайкаку илк бора савдогарлар оиласидан бўлган аёлларни бадиий асар бош қаҳрамонлари сифатида танлаб олади ва япон адабиётига янги типик образни киритади. Ушбу қаҳрамонлар тимсолида «беқарор дунё»нинг яна бир образи – ўлим жазосига ҳукм қилиниш ҳавфига қарамасдан феодал жамиятнинг шавқатсиз қонун-қоидаларига қарши чиқаётган эркин инсон гавдаланган. Адибнинг мазкур персонажлари патриархат оила тартиб-қоидаларига бўйин товламай итоат қиладиган ўтмишнинг вафодор аёлларидан тубдан фарқланади. Улар шахсий бахти учун кўркмай курашаётган, XVII аср япон жамиятининг янгича фикрлайдиган одамларидир. Тўплам Сайкаку ижодида воқеликни англашнинг реалистик методининг шаклланганлигидан далолат бериб, бу бевосита унинг ўзи яшаб турган жамиятдаги зиддиятларни акс эттирганлиги, бадиий асар яратишда тўғридан-тўғри кундалик ҳаётнинг ўзига мурожаат қилганлиги, реал одамларни гавдалантириб, ҳақиқатда юз берган ҳаётий воқеа-ҳодисалар ҳақида қалам тебратганлигида номоён бўлган.

Сайкаку ижодининг иккинчи босқичини (1687-1688) 「武道伝来記」 («Жангчилик санъатини кейинги авлодга ўтказиш», 1687), 「武家義理物語」

(«Самурайлик бурчи тўғрисидаги қиссалар», 1688) каби *букэмоно* («самурайлар тўғрисида китоблар») – ҳарбий руҳдаги новелла тўпламлар ташкил этади. Улар XII-XVI асрлар насрий адабиётидаги етакчи жанр «*гунки моногатари*» – «халқ қаҳрамонлик-жангнома асарлари»нинг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Бу асосан, адиб томонидан танлаб олинган «*катакиучи*» (қонли қасос)³² ва *гири* (бурч)³³ каби анъанавий мавзуларда ўз ифодасини топган бўлиб, икки тўпланда самурайлар қатлами учун муҳим ва долзарб саналган масалалар ёритилган.

«Жангчилик санъатини кейинги авлодга ўтказиш» тўпламининг новеллаларида хўжайниси ва яқинларининг ўлимига сабаб бўлган айбдорлардан қасос олиш орқали адолатни қарор топдираётган XVII аср самурайлар синфининг вакиллари тўғрисида ҳикоя қилинади. Тўпланда қонли қасос сабаб баъзида арзимаган хафагарчиликлардан қурбон бўлиб кетаётган самурайларнинг мисолида³⁴ бушидо кодексининг асосий тамойилларига нисбатан Сайкакуда юзага келган ва диққатли мутолаасиз пайқаш қийин бўлган киноявий оҳангдаги муносабат сезилиб туради.

Гири ҳамда *нинжэ* (ҳис-туйғулар) ўртасидаги тўқнашув асосига қурилган «Самурайлик бурчи тўғрисидаги қиссалар» тўпламидаги новеллаларнинг аксарияти гирининг фойдасига ҳал бўлувчи танлов ва бунинг натижасида юзага келувчи фожиа билан яқун топади. Уларда Сайкаку бурчни барча нарсдан устун кўювчи самурайларнинг ачинарли ҳолатидан қаттиқ ҳасрат чекаётган инсонпарвар ижодкор сифатида намоён бўлган. Хусусан, 「死なば同じ波枕とや」 («Тўлқинлардаги ҳалокат барчани тенглаштиради») новелласидаги самурай Шикибунинг қуйидаги ички кечинмаларининг баёнида бурчини деб фарзандини қурбон қилаётган қаҳрамоннинг қилмиши адиб ахлоқий тасаввурларига мос келмаган деган фикрга асос бўлади:

式部は暫く世を觀じ「まことに人間の義理ほど悲しきものはなし。故郷を出でし時、人も多きに、我を頼むとの一言そのままには捨て難く、無事に大川を越えたる一子を、わざと最期を見し事、さりとては恨めしの世や。舟後は外にも男子をあまた持ちぬれば、嘆きの中にも忘るる事もありなん。…」と思ひしが³⁵

«*Шикибу узоқ вақт ҳаётнинг дард-у аламини кузатиб «ҳақиқатда инсоннинг бурчидек, аламли нарса йўқ. Саёҳатга чиққаетганимизда, шунча*

³² Самурайликнинг асосий мезонларидан бўлган «катакиучи» («қонли қасос») содиқликнинг энг юқори даражаси ҳисобланиб, юксак баҳоланган. Шу боис қонун томонидан ҳарбийларгагина руҳсат этилган, адолат туйғусини руҳан қондирилишининг кўриниши сифатидаги «қонли қасос» бушидо кодексда муҳим аҳамият касб этар эди (Батафсил қаранг: Спеваковский А.Б. Самурай – военное сословие Японии. М., 1981. – С. 32.).

³³ Сюзерн ва вассал орасидаги муносабатлар қонун томонидан қаттиқ назорат қилинган Токугава даврида гири самурайликнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яхши фазилати ҳисобланган. Конфуцийлик файласуфлари томонидан гирининг кенг тарғиб қилиниши, бушидо кодексдаги асосий тамойиллардан бири сифатида қарор топиши натижасида, самурайларда гирига риоя қилиш – уларнинг энг биринчи мажбурияти деган қатъий ишонч юзага келган (Батафсил қаранг: Кин Д. Японская литература XVII-XIX столетий. М., 1978. – С. 135.).

³⁴ 「無分別は見越しの木登り」 («Эҳтиётсизликнинг юқори чўққисидеги дарахтга чиқиш») ёки 「火燧も歩く四足」 («Юра оладиган тўрт оёкли қотацу») новеллаларида Сайкаку арзимаган тушунмовчиликлар натижасида самурайлар орасида юзага келган ва уларнинг ўлимига сабаб бўлган фожиавий жанжаллар ҳақида ҳикоя қилади. Ҳизматкорининг мўралаганликда айбланиб, кўшни уйдаги самурай томонидан ўлдирилишига тоқат қилолмаган ва қасос йўлида ҳалок бўлган Гонзаэмон, миш-миш туфайли камситилган ва ўз аламини қилч орақли ўша миш-мишни етказиб келган ҳамкасбидан олган самурайлар тўғрисидаги қиссалар ушбу новеллаларнинг мазмунини ташкил этади (井原西鶴 (著)・富士昭雄・広嶋進 (翻)「新編日本古典文学全集 (66) 井原西鶴集 (4)」小学館、2000年。– P. 148-161; 197-203.).

³⁵ Ўша манба. – Б. 341-342.

самурайлар орасидан, Танго айнан менга ўзглини омонат қилиб топширганида, унинг илтимосини рад эта олмадим. Катта дарёни кечиб ўтган фарзандимни атайин ўлимга ҳукм этдим. Нақадар шавқатсиз бу дунё...», деб ўйлабди».

Адиб учун самурайлик идеаллари йўлида келтирилаётган бу каби оғир қурбонликлар ўзининг адолатли ва шарафли ҳатти-ҳаракат сифатидаги моҳиятини йўқотган, самурай олдидаги беъмани мажбуриятдан бошқа нарса бўлмай қолган эди. Идеаллаштирилган қудратли жангчиларни эмас, барча инсонларга хос хис-туйғуларни туядиган, бурчи йўлида эҳтиросларини бошқаришга мажбур оддий одамлар сифатидаги самурайларни гавдалантирган адиб анъанавий равишда мадҳ этиб келинган қонли қасос ва бурч мавзуларига идеалистик завқ билан ёндоша олмади.

Ижодининг сўнгги босқичида (1688-1693) Сайкаку илк асарларидан фарқли ўлароқ шаҳарликлар ҳаётининг ишқий эмас, балки иқтисодий томонлари билан қизиқади. Ушбу қизиқиш маҳсули саналган ва «укиёзоши» насрининг учинчи – «*чёнинмоно*» («шаҳарликлар тўғрисидаги китоблар») туркумини ташкил этувчи 「日本永代蔵」 («Япониянинг боқий хазинаси», 1688), 「世間胸算用」 («Дунёнинг ҳисоб-китоблари», 1692) каби тўпламлари билан у Гэнроку даври шаҳарларининг маиший ҳаёти ва унинг ранг-баранг манзараларини илк бора адабиёт саҳифаларига олиб кирди. Икки тўпламни япон шаҳарларида истиқомат қилувчи учинчи қатлам вакилларининг кундалик ҳаёти тўғрисидаги умумий бир мавзу ўзаро бирлаштириб туради.

Шаҳарликлар тўғрисидаги новеллаларда сюжет парчалари пейзаж тасвири ва муаллифнинг лирик чекинишлари кўринишидаги панд-насихатлари билан кетма-кет келиб, асосан ассоциациялар ёрдамида боғланган. Сайкакунинг бу «беқарор дунё»да қандай қилиб яхши ҳаёт кечириш мумкинлиги тўғрисидаги насихатомуз фикр-мулоҳазалари моддий жиҳатдан фаровонликка эришиш йўлида омади чопган ёки аксинча, муваффақиятсизликка учраган шаҳарликлар ҳақидаги ҳаётий ҳамда қизиқарли қиссалар орқали етарлича асосланади. Ҳалол меҳнати туфайли бойиб кетган шаҳарлик – Кавабата Кусукэ ҳақида ҳикоя қилувчи 「大豆一粒の光り堂」 («Йўлни ёритган ловия») новелласининг³⁶ ушбу қаҳрамони тимсолида Сайкаку тиришқоқ, тадбиркор, тежамкор, моддий бойлигини кўпайтириш илинжидаги идеал шаҳарликнинг типик образини гавдалантиришга интилган ҳамда бунинг уддасидан чиққан. Сайкаку бу турдаги персонажлар ва уларга хос ижобий фазилатлар мисолида шаҳарликлар қатламининг кундалик ҳаётида риюя қилиши керак бўлган одоб-ахлоқ тамойилларини илгари сурган.

Мазкур туркумдаги асарлари орқали Сайкаку япон адабиётида биринчи бўлиб пул ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти масаласига тўхталди, мол-мулк орттиришнинг ижобий томонларига урғу берди. Адибнинг наздида, илк насрий асариданоқ ўртага ташлаган «укиё», яъни беқарор дунёдаги инсоннинг

³⁶ Ушбу новелла тижорат ишида омади келган шаҳарлик тўғрисидаги қиссининг намунаси бўлса, энг харидорбоп мол – хом ипак билан савдо қилишига қарамай, бойиб кета олмаган, пул топишнинг қандай усулини қўллаб кўрмасин, ишнинг кўзини билмаганлиги сабаб охир-оқибат зарардан бошқа нарсани кўрмаган киотолик савдогар ҳақидаги «Дунёнинг ҳисоб-китоблари» тўпламининг 「長崎の餅柱」 («Нагасакидаги гуруч кулчаларининг устунлари») новелласи бунинг аксидир (Батафсил қаранг: 井原西鶴 (著)・谷脇理史・暉峻康隆・神保五弥(翻訳)「新編日本古典文学全集(68)井原西鶴集(3)」小学館、1996年。- P. 441-446.)

эркинлиги, бахт-саодати энди ҳалол меҳнат ва тиришқоқлик билан тўпланган пул воситасида қарор топиши мумкин. Феодал жамиятдаги ўрнини айнан тер тўкиб орттирилган моддий бойлиги ёрдамида топаётган шаҳарликларнинг асл ҳолатини адиб бошқаларга нисбатан чуқурроқ англаб етди. Ушбу вазиятни ўз эътиборидан четда қолдира олмади ва шу сабабдан пулнинг қудратини зодагонларнинг насл-насабига қарши кўйиш мумкин бўлган куч сифатида талқин этди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ихара Сайкаку ижодида анъана ва новаторлик мутаносиблиги» деб номланади. Бобнинг «Ихара Сайкаку ижодида миллий ва хитой манбаларининг янги бадиий талқини» номли биринчи фаслида адибнинг юқоридаги уч туркумга кирмайдиган ва миллий фольклор, театр пьесалари, хитой асарларини ўзлаштириш орқали юзага келган новеллалари уларга манба бўлиб хизмат қилган асарлар билан ўзаро қиёсий таҳлилга тортилган.

Ўрта аср япон насрий ва эссе адабиёти намуналари, Но ёки жёрури театри пьесалари, қахрамонлик дostonлари, хитой адабиётининг қатор асарлари билан биргаликда, адиб новеллаларининг аксарияти япон миллий фольклорига бориб тақалади.

「西鶴諸国ばなし」 («Сайкакунинг бутун мамлакатдан қиссалари», 1685) тўпламидан жой олган сеҳрли-фантастик новеллаларида адиб миллий фольклор сюжетлари, мотив ёки образларидан фойдаланади. Хусусан, 「行末の宝船」 («Узоқларга сузиб кетган хазиналар қайиғи») новелласида адиб 「諏訪の湖にありし事」 («Сува кўлида содир бўлган ҳодиса») сарлавҳаси билан учрайдиган қадимги афсонадан даврининг жамияти ва ундаги одамлар тўғрисидаги асарни яратиш учун фойдаланган. Унинг сюжет чизиғи ва образлар тизимига ўзгартириш, тўлдиришлар киритиш орқали янги услубда талқин қилган ва унинг асосида ўзга мазмундаги дидактик асарни ярата олган.

「奇異雑談集」 («Ғаройиботлар тўғрисидаги турли қиссалар тўплами», XVII) тўпламида 「硯われて龍の子出て天上せし事」 («Сиёҳ тошини ёриб чиққан аждар боласининг осмонга кўтарилганлиги ҳақида») номи билан сақланиб қолган япон афсонасига мурожаат этиш натижасида яратилган 「八畳敷の蓮の葉」 («Саккиз бўйра катталигидаги нилуфар барги») новелласида энди бутун асар афсона сюжети асосида қурилмай, у экспозиция қисмидагина талқин этилиб, муаллифга ўз қиссасини ҳикоя қилиб бериши учун сабаб бўлади. Сайкаку ушбу ғаройиботлар тўғрисидаги афсонани тўғридан-тўғри кўчириб олмай, баъзи ўринларини ўзгартирган ҳолда ўз новелласига олиб киради. Анъанавий равишда ғаройиб ҳодиса ҳақида эмас, аслида ўрта асрлардан фарқли равишда мўъжизанинг ҳақиқат эканлигига шубҳа билан қарай бошлаган ҳамда янгича фикрлаётган одам ҳақида ҳикоя қилади.

«Сайкакунинг бутун мамлакатдан қиссалари» тўпламининг 「十二人の俄坊主」 («Рухонийга айланиб қолган ўн икки киши») номли новелласида 「義経記」 («Ёшицунэ тўғрисида қисса», XV)³⁷ қахрамонлик достонига асосланувчи 「安

³⁷ «Ёшицунэ ҳақида қисса» – гунки моногатаи жанрида XV асрда яратилган ҳамда «Тайра оиласи ҳақида қисса» асаридан бошлабқоқ машҳур бўлган жасорат ва олийжаноблик тимсоли – саркарда Минамото но Ёшицунэ (1159–1189) ва унинг вассаллари (Бэнкэй ва Шизука Гозэн) тўғрисидаги романтик қахрамонлик достонидир (Батафсил қаранг: 射手矢貞三「義経記」学習社文庫、1943年。– P. 1-2.)

宅」 («Атака») пьесаси билан ўзаро яқинлик кузатилади. «Атака» нафақат куч-кудрати, балки ақл-заковатига таяниб, хўжайини – Ёшицунэни ҳар қандай қалтис вазиятлардан қутқариб қолишга интилаётган Бэнкэй бошчилигидаги ўн бир жасур ва ақилли самурайлар ҳақидаги асар бўлса, адибнинг новелласи бунинг аксидир. Сайкаку жисмонан ва руҳан идеал жангчилар тўғрисидаги, жиддий оҳангдаги қаҳрамонлик пьесасига пародия орқали ишора қилган ҳолда унинг мотивларидан кўрқоқ самурайларни кулгу остига олувчи сатирик новеллани яратишда ижодкорлик билан фойдаланади. Пьесадаги намунали самурайларни назарда тутувчи ўн икки руҳоний образи Сайкакунинг асарида касбига нолайик, кўрқоқ самурайларнинг тимсоли сифатида намоён бўлади.

Сайкаку ижодида алоҳида хитойча қисса ёки хикоялардан ташқари, бир бутун тўплам ҳам тўлалигича янгича талқин жараёнидан ўтганлигини кузатиш мумкин бўлиб, Юан даври (1271-1368) шоири Го Цзюйциннинг «二十四孝» («Намунали фарзандларнинг йигирма тўрт мисоли») тўплами бунинг ёрқин далилидир. Адиб «本朝二十不孝» («Япониянинг одобсиз йигирма фарзандлари», 1686) тўпламида хитойча манбанинг образлар тизимини нафақат сезиларли даражада ўзгартирган, балки уларни кулги орқали талқин қилган ҳолда хитойча асарларни япон адабиётига мослаштириш, бадиий ўзлаштиришнинг анъанавий услубидан³⁸ воз кечган.

Сайкакунинг тўплами ўзида йигирма вафодор фарзанд тўғрисидаги қиссаларни мужассамлаштирган хитойча дидактик асарнинг тескари варианты бўлиб, ўзлаштирилаётган манбадан фарқли ўларок, у ота-онаси олдидаги бурчидан тонган ва конфуцийлик таълимотидаги фарзандлик қонун-қоидаларини бузган ўғил-қизлар тўғрисидаги қиссаларга бағишланган. Хитойча тўпламда намунали фарзандларнинг тақдири бахтли якун топса, Сайкакунинг қаҳрамонлари унинг ўзи таъкидлаганидек, ярамас қилмишлари учун Осмоннинг жазосидан қочиб қутила олмайди.

Бадиий талқин қилиш жараёнида намунали фарзандлар ҳақида хикоя қилувчи хитойча қиссаларнинг одобсиз япон ўғил-қизлар тўғрисидаги новеллалар билан ўрин алмашинилиши, асарни кулги ёрдамида пародия қилиниши Сайкакуга ўзлаштирилаётган манба ва унинг анъанавий мавзусига бошқа томондан, янгича ёндашишга имкон берган. Шу сабаб, пародия ва киноя билан хитойча асардаги идеал қаҳрамонларнинг тескари, яъни салбий вариантини гавдалантира олган Сайкаку ахлоқий жиҳатдан асл манбадан фарқланувчи янги асарни яратишнинг уддасидан чиққан.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «Адиб асарларининг бадиий тили ва услуби»ни лингвопозитик таҳлил методи ёрдамида ўрганишга бағишланган.

³⁸ «Намунали фарзандларнинг йигирма тўрт мисоли» каби хитойча тўпламлар XVII аср Японияда нафақат таржима, балки кўп миқдордаги қайта талқин қилинган вариантларида машҳур бўлган. Япон муаллифлари хитойча манбага асосланиб, ўзларининг «фарзандлик бурчини бажариш»нинг муносиб мисоллари тўғрисидаги шахсий асарларини яратдилар. Улар асл манбадан фақат воқеаларнинг Японияда юз берганлиги, қаҳрамонлар исмининг эса японча бўлганлиги билангина фарқланган. Сайкаку эса асарни такрорламайди ва пародия йўли билан ижобий эмас, аксинча салбий сифатларни мужассамлаштирган фарзандлар ҳақидаги новеллалар тўпламини яратади (Батафсил қаранг: Kimbrough R. K. Pushing Filial Piety: The Twenty-Four Filial Exemplars and an Osaka Publisher's «Beneficial Books for Women». Journal of the International Research Center for Japanese Studies Vol.34., 2019. – P.43-68.).

Сайкаку ижодида мумтоз адабий ва жонли халқ тилининг бирлашиши, ҳозирда «Сайкаку тили» деб аталувчи тилни юзага келтирди. Адиб новеллаларининг тасвир ва баён мантлари, персонажларнинг диалог ёки монологлари муайян касб-хунар эгалари нутқиға хос сўз ва иборалар, жаргонлар билан тўлдирилган. Воқеалар содир бўладиган маконни топонимлар орқали аниқ кўрсатиб бориши билан бир қаторда, ижодкор миллий руҳ ва маиший ҳаётнинг кайфиятини етказиб беришда этнографизмларға кўп мурожаат қилганлиги кузатилади.

Адибнинг бадиий матни даврининг янги сўзлари билан бир қаторда, ўтмиш бадиий тилиға оид сўзларнинг ўзига хос йўсинда, яъни янги мазмунда қўлланилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг асарларида мавжуд сўзларнинг асосида ясалган янги сўз ва иборалар учрайди.

Сайкакунинг ноанъанавий равишда узун жумлалари ўз навбатида, бир хил қисқа жумлаларнинг нуқта билан ажратилмай, қўшилиб кетишидан ташкил топган. Бутун асар матни эллипсис стилистик усулиға таянилган. Сайкаку нафақат гапда нисбатан кераксиз деб билган ёрдамчи сўзлар ва алоҳида морфемаларни тушуриб қолдиради, балки бир жумладан иккинчисига ўтиш оралиғидаги модал сўзлар ёки муайян ибораларни камдан-кам ҳоллардагина келтиради.

Сўзлардаги тежамкорликка қарамай, Сайкакунинг бадиий тили ўта тўйинган. У айниқса ишбилармон шаҳарликлар кундалик нутқида кўп фойдаланилган мақоллар, маталлар, ўша даврнинг урфдаги қўшиқлари билан тўлдирилган. Халқ оғзаки ижодининг ушбу намуналари тўғридан-тўғри адиб бадиий матниға киритилса, мумтоз асарлардан келтирилган парчалар ҳамиша кулгили йўсинда иқтибос ёки аллюзалар сифатида ўз аксини топади.

Эдодаги сабзавот дўконлари жойлашган кўча манзараларини 「半切にうつしならべたる唐がらしは、秋ふかき竜田山を、むさし野に見るに似たり」³⁹ «Саватлардаги, бир қатор қилиб териб қўйилган қизил қалампирларға боқсанг, кузи кўркам Тацута тоғини Мусаши теккислиғидан томоша қилгандек бўласан», дея тасвирлар экан, адиб ноодатий равишда, қалампирларнинг кизил қаторини заранг билан қопланган ва айниқса мумтоз шеърятда кўп тилға олинган Тацута тоғининг кузги манзарасиға ўхшатади.

Хайкай шеърятти қолипида бу каби мумтоз адабиёт ва оддий кундалик ҳаётнинг образларини ўзаро таққосланиши ҳамда ёнма-ён ифодаланишида ҳосил бўладиган стилистик диссонанслар адиб услубининг энг аҳамиятли жиҳати саналади⁴⁰.

Сайкакунинг шеърятти насриға интилганидек, насри ҳам шеъряттиға интилади. Хайкайға хос усуллар – мантға кўп маънолик бағишловчи омонимлар ўйини – «какэктоба», ассоциациялар бўйича танлаб олинган сўз ва образлар занжири – «энго» кабилар унинг асарларига чуқур кириб борган. Ихара

³⁹ 井原西鶴(著)・谷脇理史・暉峻康隆・神保五弥(翻訳)「新編日本古典文学全集(68) 井原西鶴集(3)」小学館、1996年。- P. 471.

⁴⁰ Данрин шеърят мактаби услубиға хос бўлган жиҳат – барчаға маълум мумтоз адабиётнинг анъанавий образларини кундалик ҳаёт ташвишларига оид оддий сўзлар билан қўллаш адиб Сайкаку ижодиға чуқур кириб борди. Айнан Сайкаку хайкай шеъряттидаги ушбу бадиий усулни насрий адабиётда илк бора қўллаган холда баён қилиш чегараларини кенгайтди.

Сайкакунинг ўтмиш анъаналарига мурожаат қилиб жумлаларида энго, какэжотоба каби мумтоз шеърятда кенг қўлланилган ва ассоциацияга асосланган риторика услулларига таяниши асарларининг нафақат мазмунига, балки бадий матнининг шаклига, яъни сюжетиинг қурилишига ҳам таъсир этган. Мумтоз шеърят асосида қарор топган хайкай бадий усуллари илк бора насрий адабиётга дадил жорий қилганлиги ва асарларни анъанавий равишда сабаб-оқибат эмас, балки ассоциатив алоқалар тамойили бўйича яратиш тенденциясини бошлаб берганлиги ⁴¹ адибнинг Гэнроку даври ижодкори сифатидаги новаторлиги ҳисобланади.

Сайкаку ижодида ўтмиш насрий адабиётининг қонун-қоидаларидан четга чиқиш ҳодисаси унинг тасвирлаш усулида ҳам кучли намоён бўлади. Асарларида реалистик персонажларни гавдалантиришга алоҳида эътибор қаратар экан, ижодкор қаҳрамонларнинг ўта мавҳум портретини ҳосил қилишга қаратилган анъанавий усуллардан (қаҳрамонларни ўтмишнинг машҳур шахсларига қиёслаш, табиат гўзалликлари билан таққослаш, персонажлар портретини уларнинг ташқи кўринишини тасвирлаб эмас, билим даражаси, муайян соҳа бўйича қобиляти, қаҳрамона хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар асосида яратиш) воз кечиб, батафсил тасвирлаш усулини қўллайди ва уларнинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатларидаги ҳар қандай ўзига хос хусусиятларни китобхонга аниқ етказиб беришга интилади.

Адибга хос ҳажв ва кулги унинг бадий портретларига ҳам кириб борган бўлиб, бу айниқса «Муҳаббатга мубтало эркак» асаридаги аёлга ўхшаш гротеск образлар мисолида кўзга ташланади:

朝妻は立ちのびて、腰つきに人のおもひつく所もあり。脇顔うつくしく、鼻すぢも指し通って、気の毒はその穴、くろき事煤はきの手伝ひかとおもはる。⁴²

«Асадзуманинг бўйи узун, бўксалари кишининг хотирасида сақланиб қоладиган даражада ажойиб. Юзи чиройли, бурнининг шакли ҳам яхши. Афсуски, бурун катаклари! Нақадар қора бўлмаса, улар! Гўё ҳеч қачон тозаланмаган, қурум билан тўлиб кетган мўри мисоли.»

Ёзувчининг новеллаларида персонажлар ёки муаллиф нутқи орқали етказиб бериладиган икки хил пейзаж тасвири учрайди. Қаҳрамонлар нутқи воситасида бериладиган пейзажларда адиб «киго» – «мавсумий сўзлар»ни қўллаш усулига таянса-да, табиат образларининг ушбу тайёр қолиплари анъанавий равишда қаҳрамонлардан алоҳида, нафис табиатнинг мадҳига бағишланган лирик чекиниш сифатида эмас, балки улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларнинг фони кўринишида ўз ифодасини топади.

Сайкаку ушбу йўсинда яратилган пейзаж турини кўпроқ персонажларнинг воқеликка бўлган муносабатини, дунёқарашидеги ўзига хос жиҳатларини акс эттириш учун қўллайди. Воқеалар бевосита содир бўлаётган жойнинг ва ушбу даврнинг колоритини етказиб беришда эса муаллиф ўз нутқи орқали кўз

⁴¹ Сайкаку вафотидан сўнг яшаб ижод қилган Хожё Дансуй (1663-1711), Мияко но Нишики (1675-1710), Эжима Кисэки (1677-1736) ёки янги давр адабиётнинг вакили Кавабата Ясунари (1899-1972) асарларини яратишда сюжет қурилишининг ушбу туридан фойдаланади (Батафсил: Lane R. Saikaku's Contemporaries and Followers: The Ukiyo-zōshi 1680-1780. Monumenta Nipponica. Vol. 14, No. 3/4, 1959. – pp. 371-383.).

⁴²井原西鶴(著)・暉峻康隆・東明雅(翻訳)「新編日本古典文学全集(66)井原西鶴集(1)」小学館、1996年。- P. 171.

ўнгидаги реал воқеликка содиқ ҳолда уни иложи борича аниқ тафсилотлари билан тасвирлайди. Бунда пейзажчи Сайкакунинг новаторлиги унинг тасвирни қай усулда яратаётганлиги билан эмас, ушбу тасвирнинг объекти сифатида айнан шаҳарликлар кундалик ҳаётининг ажойиб манзараларини танлаб олганлиги билан белгиланади.

ХУЛОСА

Жаҳон адабиётининг таркибий қисми бўлган япон адабиёти тарихи, хусусан, Гэнроку даври адабий муҳитида мумтоз ўрин тутадиган истеъдодли адиб Ихара Сайкаку ижоди юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий умумлашма хулосалар чиқарилди:

1. Японияда XVII аср мамлакатнинг тадрижий равишда ўрта асрлардан янги даврга ўтишни англатувчи мураккаб давр сифатида намоён бўлди. Мазкур даврда бошқа Узоқ Шарқ мамлакатлари каби япон ижтимоий ва маданий ҳаётида бир қатор янгиликлар, адабиётда муҳим силжишлар кузатилди. Ички урушларда кичик ҳокимиятларга бўлиниб кетган Япония марказлашган давлат сифатида қарор топди. Ўрнатилган тинчлик иқтисодий тараққиётни таъминлаб берди, йирик савдо шаҳарлари юзага келди, учинчи қатлам вакилларининг ижтимоий ҳаётда роли тобора ортиб борди. Шунингдек, барча қатлам вакиллари учун таълим олиш имконияти яратилди, аҳоли орасида саводхонлик ўсди, тижорат босмаҳоналари фаолияти йўлга қўйилди, натижада адабиёт тобора оммавий хусусият касб эта бошлади. Буларнинг барчаси япон шаҳар маданияти ва адабиётининг шаклланишида асосий омиллар бўлиб хизмат қилди.

2. Шаҳар адабиётининг ривожини «хайкай» шеърляти, «каназоши» ва «укиёзоши» насри, «кабуки» ва «нингё жёрури» каби театр турларини юзага келтирди ва Гэнроку (1688-1704) даврида ўзининг юқори чўққисига эришди. Хайкай – «ҳажвий шеърляри»нинг шаҳар адабиётидаги етакчи назмий жанр сифатида қарор топиши «Тэймон», «Шёфу», «Данрин» шеърлят мактабларининг фаолияти билан амалга оширилди. Биринчи мактаб анъаналарни илгари сурди, иккинчиси янгиликларга интилиб мумтоз шеърлятнинг қонун-қоидаларини инкор этди, учинчиси эса ўзида анъана ва новаторликни уйғунлаштирди. Халқ орасидан чиққан санъаткорлар синфининг шаклланиши, театр биноларининг қад кўтариши, актёр-драматург анъанасидан чекиниш, театр ва драматург ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши, Чикамацу Монзаэмон каби новатор ва профессионал драматургларнинг шаҳарлик томошабинлар талабларига биноан тарихий, маиший драмалар яратилиши жёрури ҳамда кабуки театрларининг юксак санъат турига айланишига олиб келди.

3. Ўрта асрлар адабиёти ва Сайкаку ижоди ўртасида боғловчи бўғин сифатида мавжуд бўлган каназоши насри ўтмиш анъаналари билан мустаҳкам алоқаларини сақлаб қолди. Ўтмиш адабиётдан мерос бўлиб ўтган ва ўрта аср поэтикасининг тамойилларига таянувчи жангнома типидagi эпик асарлар, ишқий, ҳаётнинг ўткинчилигини илгари сурувчи диний қисса жанрлари асосий ўрин тутди. Шунга қарамай, унинг мумтоз асарларнинг пародияси, хёбанки каби янги жанрларида юзага келган воқеликни англашнинг янги қонуниятлари ушбу ўтиш даврининг тадрижий адабий ривожини белгилаб берди. Айнан каназоши

Сайкаку новаторона реалистик насрининг юзага келишига бирламчи заминни яратди.

4. Хайкай но рэнга жанрида ижод қилган шоир Сайкакунинг новаторлиги унинг анъанавий қолипда нозик ҳис-туйғуларига табиат орқали ишора қилувчи эмас, кундалик ҳаётга тегишли образларнинг ассоциацияларига таянган, таъсирчан ва жонли сўзлашув тилидаги шиддатли бадиҳага асосланган, ҳаётий вазиятларни акс эттирувчи ёрқин сюжетли, персонажларнинг диалог ва монологларини ёдга солувчи, гўё кичик насрий асарлар шаклидаги шеърларини яратиб, янги «голландча» ва «яказу хайкай» услубларига асос солганлигида намоён бўлди.

5. Ихара Сайкаку ижоди билан бошланган янги «укиёзоши» йўналиши воқеликни англашда буддавийлик дини таъсирида шаклланган дунё тўғрисидаги ўрта асрларга хос тасаввурларнинг енгиб ўтилганлиги билан характерланди. Хусусан, объектив воқеликни англаувчи «укиё»нинг фоний ёки ҳасратли дунё эмас, хурсандчиликларга тўла замонавий Гэнроку даври шаҳар ҳаётини англаувчи «беқарор дунё» маъносида, инсонни ушбу дунёдан баҳраманд бўлиб яшашга ҳақли ўз тақдирининг эгаси бўлган шахс сифатида талқин этилиши Сайкаку ижодида қарор топган ҳаёт ва инсон тўғрисидаги янги концепцияларнинг моҳиятини белгилаб берди. Бу адиб томонидан япон адабиётига илк бора насрий асарларнинг қаҳрамонлари сифатида олиб кирилган янги образ – шаҳарликлар орқали ўз ифодасини топди.

6. Ижодининг илк босқичидаги, янги муҳаббат концепциясига асосланувчи севги-муҳаббат тўғрисидаги асарларида Сайкаку юрак амрига кулоқ солиб яшовчи инсон эркинлиги ва гўзаллиги ғоясини мадҳ этди. Янги ахлоқий хусусиятлар ва қадриятлар эгаси бўлган одамлар типини адабиётга олиб кирди. Инсон ҳис-туйғуларининг феодал жамият одоб-ахлоқ қоидалари билан тўқнашувида юзага келган ҳаётий зиддиятларнинг аниқ акс эттирилиши ва ҳаётий материалнинг ҳаққоний таҳлилдан ўтиши адиб ижодида реалистик методининг юзага келганидан далолат берди. Бу эса бадий ҳис этиш чегараларининг кенгайишига, инсон феъл-атворининг Сайкаку ижодига қадар эстетик англашнинг предмети ҳисобланмаган жиҳатларини ёритишга имкон берди.

7. Иккинчи босқич тегишли ҳарбий руҳдаги новеллаларида ўтмиш бадий анъаналари кучли сезилиб турса-да, уларда самурайлар синфининг шафқатсиз урф-одатларига, «бушидо» юксак қадриятларига қарши кучли норозилик яққол намоён бўлади. Бурч, қонли қасос каби анъанавий мавзуларга бағишлаган ушбу асарларида Сайкаку самурайларни азоб-укубатларга солаётган жангчилик одоб-ахлоқ қоидаларида таназзул ва чекланганликни кўра билган инсонпарвар ижодкор сифатида гавдаланган.

8. Учинчи босқични қамраб олган адибнинг шаҳарликлар тўғрисидаги новеллалари япон шаҳарларининг ҳаёти ва унинг ранг-баранг тафсилотлари билан таништирувчи япон насрий адабиётидаги илк асарлар бўлди. Уларда уддабурон, тадбиркор, бойликни кўпайтиришга интилаётган идеал шаҳарликнинг янги типик образи пайдо бўлди. Асосида пул ва моддий фаровонликка эришишга интилаётган инсон тўқнашуви ётувчи мазкур асарларда «беқарор дунё»даги инсоннинг эркинлигини таъминловчи восита сифатидаги пул билан боғлиқ адибнинг янги концепцияси ўз ифодасини топди.

9. Сайкакунинг новаторлиги ўтмиш манбаларини янгича талқин қилиш усулларида намоён бўлади. Ўзлаштирилган адабий манбани адиб асарларига сюжет қолипи, сюжет қурилишидан жой олган мотив, образлар прототипи кўринишида олиб киради. Сюжет чизигини кенгайтириш, ўзгартиришлар киритиш, образлар тизимини қайта кўриб чиқиш, зиддият ва вазиятларни мураккаблаштириш, кутилмаган кайфият ҳамда мазмун билан тўлдириш усуллари орқали ўз даври ва одамлари ҳақидаги асарларни яратади. Ўзлаштира материал аксарият ҳолларда реал инсоннинг феъл-атворидаги ўзига хос жиҳатларни, унинг тафаккурида юз берган силжишларни намоён этувчи муайян ва ноодатий вазиятларни ҳосил қилиш, ўрта аср жамиятининг ахлоқий қарашларидаги зиддиятларни акс эттириш учун янгича талқин жараёнидан ўтади.

10. Анъаналар заминидан шаклланган Сайкакунинг новаторона тили мумтоз адабий ва жонли халқ тилларининг боғланишидан юзага келганлиги билан характерланади. Ушбу бадиий тилнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида унинг касбга оид сўзлар, жаргонлар, топоним, этнографизм, мақол, матал ва халқ кўшиқлари, адиб томонидан яратилган янги ёки ўзга маънода қўлланилган мумтоз бадиий тилига оид сўзлар билан тўйингани, эллипсис стилистик усулига таянгани, қисқалиги кабиларни келтириш мумкин.

11. Мумтоз адабиёт ва кундалик ҳаётдан олинган образларни ёнма-ён қўллаш орқали ҳосил бўладиган стилистик диссонанслар, кулгили, кинояли қўштирноққа олинган иқтибос ёки аллюзия кўринишидаги ўтмиш манбаларининг парчалари ва уларнинг янги талқини адиб услубидаги анъана ҳамда новаторликнинг ўзаро нисбатини намоён этади.

12. Ёзувчи ижодининг анъаналар билан чамбарчас боғлиқлиги энго, какэктоба каби мумтоз шеърятда кенг қўлланилган ва ассоциацияга асосланган риторика услулларини унинг жумлаларидан тортиб бутун бадиий матнининг шаклигача, яъни сюжетиинг қурилишигача кириб борганлигида ўз ифодасини топган. Ушбу усулларни илк бора новеллаларини яратиш жараёнига жорий қилган ҳолда сюжетни анъанавий сабаб-оқибат эмас, балки хайкай услубида ассоциатив алоқалар тамойили бўйича шакллантириш тенденциясини бошлаб берганлиги Сайкакунинг Гэнроку ва кейинги давр адабиётига олиб кирган навбатдаги муҳим янгиллиги бўлди.

13. Сайкакунинг бадиий анъаналардан узоқлашаётганлиги унинг деталлаштирилган реалистик портрети ва пейзажларида кузатилади. Адиб анъанавий равишда персонажларни ўтмишнинг таниш образларига қиёслаш ва шу орқали уларнинг мавҳумлаштирилган портретини яратиш тамойилидан воз кечади. Қаҳрамонларини уларга хос барча хусусиятлари билан аниқ, аксарият ҳолларда гротеск усули ёрдамида тасвирлайди. Ёзувчи асарларида қаҳрамонлар ёки муаллиф нутки воситасида ёритилган икки турдаги пейзаж тасвирлари учрайди. Биринчисида адиб анъанавий тасвирий қолиплардан ноанъанавий равишда фойдаланиб, умумқабул қилинган қоидалардан четга чиқади. Атроф-муҳитни батафсил тасвирлаш тамойилига бўйсунувчи иккинчи турдаги пейзажлар мумтоз асарлар қолипида яратилса-да, тасвир объектига айланган манзаралари билан фарқланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

КОСИМОВА ГУЛНОРАХОН БАХТИЁРЖОН КИЗИ

**ТРАДИЦИИ И НОВАТОРСТВО В ЛИТЕРАТУРЕ ЭПОХИ ГЭНРОКУ
(ТВОРЧЕСТВО ИХАРА САЙКАКУ)**

10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/Fil.830.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsuos.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель: **Мухтаров Тимур Аскадович**
доктор филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Муhibова Ульфатхон Учкуновна**
доктор филологических наук, профессор

Гафурова Хакима Шавкатовна
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном университете востоковедения по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (998 71) 233-45-21, факс: (998 71) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Протокол реестра рассылки №___ от «___» _____ 2021 года.)

А.М.Маннонов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

А.Р. Алимухамедов
Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н.

Б.Тухлиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Развитие литературы, соразмерность традиции и новаторства в нем считается одним из важнейших вопросов мирового литературоведения. Каждое новое, великое событие в развитии искусства слова является творческим производным самых лучших традиций прошлого. В связи с этим данный вопрос приобретает актуальность в раскрытии взаимосвязей и взаимовлияний литератур, процессов появления новых форм, тем, идей, типов, а также средств художественного изображения.

Считающаяся неотъемлемой частью мировой литературы, японская литература развивалась, надежно сохраняя в себе художественный опыт прошлого. Это литературное событие особенно ясно бросается в глаза в литературе и творчестве ее ярких представителей переходного периода между средневековьем и новой эпохой. И в сегодняшние дни, находящаяся в центре внимания мировых востоковедов-литературоведов, средневековая литература страны восходящего солнца и ее многочисленные вопросы служат объектами исследований ряда научных работ. В частности, научно-теоретическое исследование значения литературы эпохи Гэнроку (1688-1704)¹ в развитии японской культуры, литературного наследия ее таких талантливых представителей как Ихара Сайкаку, с точки зрения традиции и новаторства считается одним из приоритетных направлений данной сферы.

В настоящее время, когда в процессе глобализации расширяются международные отношения, происходит интенсивная интеграция Узбекистана в мировое сообщество в политической, экономической, культурной сферах, особое внимание уделяется близкому познанию культуры, языка и литературы таких развитых стран как Япония. Для нас «особое значение имеют отношения в области культуры и науки»² с нашим многолетним стратегическим партнером Японией. В связи с этим, изучение японской литературы, являющееся одной из актуальных сфер узбекского востоковедения, послужит еще большему укреплению связей между народами. Это в свою очередь, показывает востребованность данного исследования, как продолжения проводимых в нашей стране изысканий, связанных с японской литературой.

Данное научное исследование служит в целях практического выполнения задач определенных Указом № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-4680 от 16 апреля 2020 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы подготовки кадров и повышению научного потенциала в области востоковедения», а также рядом других нормативно-правовых документов.

¹ Название периода (эпохи) – «Гэнроку» («первоначально радость») девиз годов правления (1688-1704) императора Хигасияма (1675-1710). В Японии традиция называть исторические периоды девизами имперского правления восходит к VIII веку и сохранилась до наших дней.

² Мирзиёев Ш.М. Япониянинг бош вазири Синдзо Абэ жаноби олийларига // «Халқ сўзи» газетаси. 27. 01.2017.- №20 (6684).

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном развитии информатизированного общества и демократического государства, и путей их реализации».

Степень изученности проблемы. Начиная с 90-х годов XIX столетия литература эпохи Гэнроку и творчество Ихара Сайкаку стали объектами исследований многих ученых. В том числе, данная проблема в японском востоковедении изучена в исследовательских работах таких ученых как: Р.Цунода, Ф.Мизутани, Т.Такита, Т.Эбара, Х.Нода, К.Касаи, Ш.Ки, Т.Кондо, Ю.Накамура, О.Мацуда, Ц.Сукимото, а в западном литературоведении: К.Флоренс, Р. Сиффер, Д.Кин, Х.Хиббет, К.Кирквуд, Р. Лейн, Ж.Жонсон, Д.Струве³.

В таких научных трудах как «近世文学評論» («Критика японской литературы периода Кинсэй», 1942), «西鶴：評論と研究» («Сайкаку. Критическое исследование», 1948) и «元禄文芸復興» («Возрождение художественной литературы в период Гэнроку», 1966) Ясутака Тэруока, «西鶴年譜考証» («Аннотированная хронология жизни и творчества Сайкаку», 1952) Кошин Нома, «西鶴研究» («Исследование творчества Сайкаку», 2000) Эмото Хироши, «Saikaku: Novelist of the Japanese Renaissance» («Сайкаку новеллист эпохи японского возрождения», 1958) Ричарда Лейна и «Ihara Saikaku: Un romancier japonais du XVIIe siècle!» («Ихара Сайкаку: японский писатель XVII века», 2001) Даниела Струве освещены ряд актуальных вопросов для историко-литературного исследования, таких как характеристики художественных произведений Сайкаку, анализ свойственных им сторон, связанных с тематикой,

